

Бундан буён Буюртмачи деб юритиладиган “Сурхондарё Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК номидан директор А. Боқиев бир томондан ва «TERMIZ GRAND ROAD PROJECT» МЧЖ, бундан буён Бажарувчи деб аталувчи номидан Низом асосида иш юритувчи директор У. Саидов, иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи: "Обод кишлок" ва "Обод махалла" дастурларини амалга ошириш бўйича 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шаҳар) хокимликлари тасарруфида бўлган Термиз шаҳри Чегара МФЙ Навбахор кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама етказиш) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш топширади, Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома ишчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тузилган.

1.3. Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш шартнома имзоланиб кучга кирган кундан бошланиб, 15 иш кунда тугатилади.

1.4. Ишчи лойиҳа Давлат экспертизадан ўтказилган кун ишлар тугатилган деб ҳисобланади. Агарда Давлат экспертиза хулосаси ишчи лойиҳа Буюртмачига топширилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирилса, ишларни тугатиш муддати кечиктирилган кунга узайтирилган ҳисобланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишларни амалга оширишнинг баҳоси ҚҚС сиз 15 370 000 (ўн беш миллион уч юз етмиш минг) сўмни ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ҳужжатларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартномани имзолагандан кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида шартнома баҳосининг 30 % миқдорида аванс тўловини амалга оширилиб қолган 70% иш бажарилгандан кейин тўлаб беришга келишилди.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан ишлар мазкур шартноманинг 4.4. моддасида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг 5 (беш) банк кунда ажратилган аванс маблағи миқдори ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари бажарувчи томонидан тўлиқ бажарилиб, объект бўйича давлат экспертизаси томонидан якуний экспертиза хулосаси олингандан сўнг қолган маблағ учун топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни топшириқ, бошқа дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Бажарувчи ишчи лойиҳани ишлаб чиққандан сўнг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этишни ўз зиммасига олади.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қилади.

Объектнинг баҳосини жорий нархларда ҳисоблаб чиқиш учун Пудратчи (курувчи) тўғрисида керакли маълумотларни шартномада кўрсатилган ишларни бажариш муддатининг охириг кундан камида 20 кун олдин Буюртмачи Бажарувчига тақдим этади. Агарда ушбу маълумот берилиши кечикса шартнома муддати ҳам ўшанча кунга узайтирилган деб ҳисобланади.

3.4. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларига мувофиқ бажарилишида Буюртмачи томонидан бажарилиши зарур ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишни ўз зиммасига олади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз ва камчиликлар билан бажарса ва сифатсиз бажарилган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фойдаланиш натижасида қўшимча (кўзда

тутилмаган) ишлар ва харажатлар аниқланса, бажарувчи ушбу камчиликларни бартараф этиб, бир ҳафтадан ошмаган муддатда ўз мажбуриятларини талаб қилинган сифат даражасида қайтадан бажаради ва аниқланган қўшимча харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди, лекин, аниқланган қўшимча харажатларни қоплаш мазкур шартнома қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш топширик талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартнома муддати тугагандан сўнг бажарувчи томонидан расмийлаштирилиб, буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳужжатларнинг рўйхати топшириқда белгиланади.

4.3. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.4. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2. бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.5. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.7. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.8. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиха бўйича хулоса учун муурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

4. Конфиденсиал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденсиал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Қўшимча шартлар

6.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Бажарувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда лойиҳанинг маълум қисмини ёки бирор лойиҳавий ечимни ваколатли органлар билан келиша олмаса, (махаллий ҳокимиятлар, архитектура қурилиш бошқармалари, Давлат ҳаракат хавфсизлиги бошқармалари, муҳандислик коммуникатсияларининг эгалари ва х.к.) ишларни бажаришнинг охириг муддатидан камида 1 (бир) ой олдин Буюртмачини ёзма равишда асосланган ҳужжатлар билан хабардор қилади, Буюртмачи эса шартноманинг бажариш муддатини узайтириб беради.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш Буюртмачи билан келишган ҳолда учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Сурхондарё вилоят иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз берилган томон олганидан кейин 10 (_1_) ой муддатни ташкил этилади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва Бажарувчи томондан ишлар топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини тўловнинг кечикиши ёки хизматлар, ишларнинг асосиз қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.7. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 (йигирма) фоизидан ошмаслиги лозим;

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишув баённомаси (1-илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)
- Ишларни амалга ошириш баҳосини аниқлаш сметаси (3-илова)

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

«Бажарувчи»

" TERMIZ GRAND ROAD PROJECT " МЧЖ

Манзил: Термиз ш. Тарақиёт кўчаси 3-уй

Телефон:

АТ "Алока Банк" Сурхондарё филиали

Ҳ/Р: 2020 8000 7053 9275 1001

Банк коди: 00401

ИНН: 308 493 584

ОКОНХ: 66000

директор  У. Саидов

(ИМЗО)

«Буюртмачи»

“Сурхондарё Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

Манзил: Термиз ш. Олмазор кўчаси, 42-уй

Тел:

ш.х.в 304521860224017045129118164

ИНН: 304985647 ОКОНХ:70220

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
ғазначилиги Амалиёт бошқармаси

МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ

Ҳ/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк коди: 00014 ИНН: 201 122 919

директор  А. Боқиев

(ИМЗО)

Юрист визаси: Мен “Сурхондарё Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК юристи, ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий –ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқладим.

« 06 » 05 2022 йил

 Ф.Тураев

Шартнома баҳосини келишуви

БАЙОИНОМАСИ

Биз, қуйида имзо қўювчилар: "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шаҳар) хокимликлари тасарруфида бўлган Термиз шаҳри Чегара МФЙ Навбахор кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама етказиш) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил “___” _____ даги P25-сонли шартнома баҳосини ҚҚС сиз 15 370 000 (ўн беш миллион уч юз етмиш минг) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб –китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

«Бажарувчи»

**"TERMIZ GRAND ROAD PROJECT"
МЧЖ**

Манзил: Термиз ш. Тарақиёт кўчаси 3-уй

Телефон:

АТ "Алока Банк" Сурхондарё филиали

Ҳ/Р: 2020 8000 7053 9275 1001

Банк коди: 00401

ИНН: 308 493 584

ОКОНХ: 66000

директор



У. Саидов

(имзо)

«Буюртмачи»

**“Сурхондарё Минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати” ДУК**

Манзил: Термиз ш. Олмазор кўчаси, 42-уй

Тел:

ш.х.в 304521860224017045129118164

ИНН: 304985647 ОКОНХ:70220

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
ғазначилиги Амалиёт бошқармаси

МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ

Ҳ/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк коди: 00014 ИНН: 201 122 919

директор



А. Боқиев

(имзо)

"Обод кишлок" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфида бўлган Термиз шаҳри Чегара МФЙ Навбахор кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама етказиш) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Молиялаштириш муддати	
			Муддати	Қиймати	2022 йил	2022 йил
	Аванс тўлови				4 611,000	
1	Лойиҳа-смета ишларини бажариш (ҚҚС сиз)	15 370,000	15 иш куни	15 370,000		15 370,000
	Жами:	15 370,000		15 370,000	4 611,000	15 370,000

минг сўм

Буюртмачи



Бажарувчи



**Ишларни амалга ошириш баҳосини аниқлаш
С М Е Т А С И**

Объект номи: "Обод кишлок" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шаҳар) хокимликлари тасарруфида бўлган Термиз шаҳри Чегара МФЙ Навбахор кучасини жорий таъмирлаш (Асфалть коплама етқизиш) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Буюртмачи ташкилотнинг номи: "Сурхондарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК

Лойиҳа (қидирув) ташкилоти номи: "TERMIZ GRAND ROAD PROJECT" МЧЖ

Т.р	Ишларнинг номи	Лойиҳалаш ва қидирув учун нархлар тўпламининг қисмлар, боблар, жадваллар ва бандлари	Келишилган баҳоси, минг сўм
1	2	3	5
	"Обод кишлок" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шаҳар) хокимликлари тасарруфида бўлган Термиз шаҳри Чегара МФЙ Навбахор кучасини жорий таъмирлаш (Асфалть коплама етқизиш) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирининг 2019 йил "19" 08 даги 396-буйруғи билан тасдиқланган "Шартномавий жорий нархларда қуриладиган объектлар учун лойиҳалаш тадқиқот ишлари нархини аниқлаш тартиби ҳақидаги Низом" иловаларига асосан	Буюртмачи билан келишув асосида шартнома киймати 15 370,000
Жами тўлов учун			15 370,000

Жами ҚҚС сиз 15 370 000 (ўн беш миллион уч юз етмиш минг) сўм.

Тузди: _____ У. Саидов



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 70479 на приобретение Термиз шаҳри
Чегара МФЙ Навбахор кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама еткизиш) ЛСХ ни
ишлаб чиқиш**

Способ проведения электронный

Дата 01.05.2022

Время рассмотрения 29.04.2022 14:18

Конкурсная комиссия Surxondaryo mintaqaviy yo`llarga buyurtmachi xizmati DUK (Вилоят) Fond-2020, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Бош мухандис	Сурхондарё МЙБХ
Секретарь комиссии	RAXIMOV SOBIR XUDOYBERDIYEVICH	Булим бошлиги	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O`G`LI	Булим бошлиқ	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O`G`LI	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	ZIYOYEV ALISHER AXMADOVICH	Комиссия аъзоси	Сурхондарё минтакавий йуларга буюртмачи хизмати ДУК
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.05.2022 года № лота 70479.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Термиз шаҳри Чегара МФЙ Навбахор кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама еткизиш) ЛСХ ни ишлаб чиқиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	15 422 000.00
Стартовая сумма	15 422 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, гувоҳнома, лицензия, кафолат хати, молиявий ахволи

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, структураси Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан

Ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, лойиҳа ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияга эгаллиги Буюртмачи билан суд тортишув ҳолатида эмаслиги, аввал тузилган шартномалар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар йўқлиги, инсофсиз ижрочилар руйхатида мавжуд эмаслиги, молиявий барқарор, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик йўқлигини тасдиқловчи ва буюртмани ўз вақтида бажарилиши тўғрисида кафолат хати Лойиҳалаш корхонасининг молиявий ахволи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT	20	1	20	Экспертная		
TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ	20	1	20	Экспертная		

Критерий №2 Лойиҳалаш корхонасида ишлаётган ишчилар тугрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Соҳа бўйича олий маълумотга эга иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган 2 нафар раҳбарлик лавозимидаги, 2 нафар лойиҳачи-муҳандис (ГИП), 3 нафар мутахассислар ҳамда доимий асосда ишлайдиган камида 10 нафар малакали ходим ва ишчилар борлиги (охирги йилдаги статистика ҳисоботида асосан ва шартнома асосида жалб этилган)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT	20	1	18	Экспертная		
TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ	20	1	16	Экспертная		

Критерий №3 Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги ҳамда мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги (ўз балансида бўлса 1 коэффицент, ижарада бўлса 0,5 коэффицент билан баҳоланади) Мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот (камида 10 бирликда ўлчов асбоблари ва 10 бирликда оргтехника жихозлари борлиги)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT	20	1	18	Экспертная		
TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ	20	1	16	Экспертная		

Критерий №4 Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумот (камида 2 та ўхшаш объектларнинг лойиҳаси бажарилганлиги ва якунига етказилганлиги) Қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот (фотосуратлар, лойиҳа таклифи), лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT	20	1	18	Экспертная		
TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ	20	1	18	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ	15 422 000.00	15 412 000.00	28.04.2022 16:55:16	19.95
ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT	15 422 000.00	15 370 000.00	27.04.2022 14:24:11	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ	70.4	19.95	90.35
ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT	74.4	20	94.4

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 70479 от 01.05.2022 года на приобретение Термиз шахри Чегара МФЙ Навбахор кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама еткизиш) ЛСХ ни ишлаб чиқиш определила победителем:

ООО TERMIZ GRAND ROAD PROJECT
308493584

и резервный исполнитель: TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ (306454507)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ZIYOYEV ALISHER AXMADOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП